



MILLIY TIKLANISH

29 (461)

2017 йил 19 июль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

УэМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкни изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда, хусусан:

биринчидан, солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиш масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини,

шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти.

Солиқ тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатишни таъминлайдиган "солиқ тўловчининг шахсий кабинети" дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш бўйича фаолият ташкил этилмаган;

иккинчидан, солиқ органларининг ташкилий-штар тузилмаси солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида йиғиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш имконини бермаяпти;

учинчидан, солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг аҳволи ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ солишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек бюджетга солиқ тушум-

ларини ишончли прогноزلантириш фаолияти такомиллаштиришни талаб қилмоқда;

тўртинчидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизмларининг мукамал эмаслиги, шу жумладан солиқ текшируви объектларининг зарур таҳлилсиз белги-ланиши солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни барвақт профилактика қилиш самарадорлигини пайсатирмоқда;

бешинчидан, солиқ низоларини судга ҳал этиш — солиқ апелляцияси институти имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқ тўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари кўпайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, солиқ солиш тизимининг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиш базасига эга солиқларнинг етарли даражада унификация қилинмаганлиги, солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконини бермаяпти;

Муносабат

ОЧИҚ МУЛОҚОТ, АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

ФАОЛИЯТИМИЗНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШ
ЗАРУРАЛИГИНИ КЎРСАТДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 июлда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида парламент, сиёсий партиялар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятидаги камчиликлар танқидий таҳлил қилинди. Сенатор ва депутатлар, сиёсий партиялар ўз олдига турган долзарб вазифаларни амалга ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнига қўмақдош бўлишида суфталикка йўл қўйётгани аниқ далиллар асосида рўй-рост айтилди. Шу билан бирга, парламент фаолиятида таъсирчан ва самарали тизим яратиш, сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш, депутатлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қатор ҳаётий вазифалар белгилаб берилди. Айни пайтда мажбурий дастуриямал маъруза парламент аъзолари, депутатлар ва сиёсий партиялар фаоллари орасида қизгин йўналиш, амалий таклифлар ўртага ташланмоқда, келгусидаги муҳим вазифа ва йўналишлар белгилаб олинмоқда, камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиляпти.

Албатта, Президентимиз маърузасида илгари сурилган гоя ва таклифлар, танқидий таҳлиллар, белгиланган вазифалар ушбу тизимдаги ҳар бир вакилнинг зиммасига катта масъулият юклайди. Мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, фаолият самарадорлигини ошириш учун нима қилмоқ керак, деган саволга аниқ, ҳаётий жавоб топшига ундайди.

Миллий гуруҳ

БИЛИМЛИ ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ



Мамлакатимизда истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларнинг изланиши, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун зарур шароит ва имкониятлар яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда ёш авлод камолотига қаратилаётган бундай юксак эътибор, таълим олиш учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар ёшларнинг илм-фанга меҳрини оширмоқда. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилдора Ўроқова — илмга чанқоқ, изланувчан ва иқтидорли ёшлардан.

...Ушанда у Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 6-синфида ўқирди. Синф раҳбари унга ўқувчиларнинг дарсларда қатнашиши, танловларда, жамоат ишларида фаолигини алоҳида балл сифатида белгилаб боришни топширди. Ўқитувчи бу натижаларга асосан ҳисобот тайёрлаши керак эди.

Дилдора вазифага масъулият билан ёндашди. Синф сардори сифатида ҳар бир ўқувчининг дарсдаги иштирокини назорат қилди. Йиғилган кунлик баллар асосида ўқитувчи ойлик ҳисобот тайёрлади ва натижа ота-оналар йиғилишида эълон қилди. Бундай усул ўқувчиларнинг ўз устида кўпроқ ишлашига туртки бўлибгина қолмай, давомат, тартиб-интизомга ҳам тезда ижобий таъсир кўрсатди...

6-бет

Маҳаллий Кенгашларда

МУАММО ЎЗ-ЎЗИДАН ЕЧИЛМАЙДИ ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ УЧУН ТАШАББУС КЎРСАТИШ ЛОЗИМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишида сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Йиғилишида партия гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросида фаол иштирок этиши лозимлиги, уларнинг мақоми ва масъулиятини янада ошириш, кенг ваколатлар бериш, раъбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш масаласи ҳақида апрофлича тўхтади.

Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, аҳолини ўйлантириб келаётган долзарб ҳаётий масалаларни чуқур ўрганиш ва ҳал этишда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиги катта аҳамият касб этади.

Партия дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, тегишли корхона, ташкилот ва мансабдор шахсларга фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш юзасидан депутатлик сўровлари билан чиқиш, уларнинг ҳисоботини эшитиш, долзарб ҳудудий масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига кириштириш ва депутатлик назоратини олиб бориш партия гуруҳлари зиммасидаги энг муҳим вазифа саналади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги гуруҳларининг жорий биринчи ярим йилликдаги фаолиятини таҳлил қилиш асосида бу борада ўтган йилларга нисбатан муайян фаолият кўзга ташланганини кузатиш мумкин.

Ташаббус натижа берди

Халқимиз китобни азиздан пондек азиз билди, юксак кадрлаган. Истиқлол йилларида матбуот, ноширлик ва ахборот соҳасининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Бу борада ўрда ортиқ қонун ва 30 дан ортиқ қонунности ҳужжати қабул қилинди.

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФА

МИРИШКОРЛИК ДЕПУТАТЛАРИМИЗ КИТОБХОНЛИК
МАСАЛАСИНИ СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 январда имзоланган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ана шу эзгу ишларни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган. Зеро, келажакимиз эгалари — ёшларнинг бахту камоли, осойишта ва фаровон ҳаётида китобнинг ўрни катта. Яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масаласи маънавий-маърифий соҳадаги энг устувор вазифалардан этиб белгиланган.

Ушбу сонда:



БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ
БЎЛМАЙДИ

7-бет



ҒАРОЙИБ ҒОР МЎҶИЗАСИ

7-бет

ҚАНОТ ҚОҚАР ЭЗГУЛИКНИНГ ЭЛЧИЛАРИ



8-бет



Ватан манзаралари

ҚАНОТ ҚОҚАР ЭЗГУЛИКНИНГ ЭЛЧИЛАРИ

Одатда байрамдан олдинги кунни арафа дейишади. Лекин биз шундай бир улуғ айём олдида турибмизки, у кунга етказадиган лаҳзалар ҳам арафадир. Шу маънода ҳар бир кунимиз бизни энг улуғ ва энг азиз айём — Ватанимиз истиқлолга эришган кунлуғ сананинг 26 йиллигига тобора яқинлаштирмоқда. Юртимизда байрам шукҳи кезиб юрган айни кунларда ватандошларимиз чехрасида байрамона кайфият ҳукмрон.

Мустақиллик байрамини ҳар бир инсон катта хурсандчилик билан кутиб олиши бежиз эмас. Чунки айнан истиқлол халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни ҳада қилди, ўзлимиз, шаънимиз, миллий гуруримиз, қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, қадрият ва урф-одатларимизни қайта тиклади. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик, бутунги обод ва фаровон турмушимиз ҳам мустақиллик туфайлидир.

Президентимизнинг шу йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори яна бир бор муқаддас неъмат — мустақилликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашга қаратилган энг муҳим йўналишларни белгилаб берди.

Истиқлол ҳақида сўз борганда негадир кўз ўнгимда дарров Мустақиллик майдони гавдаланади. Бу ерга келган одамнинг нигоҳи энг аввал Эзгулик арқаси узра парвоз қилаётган лайлақларга қадалади. Улар — эзгу ниятларимиз, орзу-умидларимиз рамзи. Боболаримиз "лайлақ ён-атрофда ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигига ишонсагина, бир оёқда туради", деб бежиз айтмаган.

...Йўловчи машинада кекса ёшли икки ҳамроҳимнинг ўзаро суҳбати эътиборимни тортиди.

— Буни қара, Жўра, — дейди отахонлардан бири кўкда энгил парвоз қилаётган лайлақка



ишора қилиб. — Бу йил улар янаям кўпайди. Ёшлик пайтларим отам раҳматли бир йили лайлақларнинг келмаганидан роса куюнганди. Сабабини кейин билдим.

— Ҳа, лайлақлар — кут-барака, тинчлик рамзи, уларни асраш керак, — деди иккинчи ҳамроҳимиз.

Мамлакатимизда лайлақларнинг нисбатан катта қисми Фарғона водийсида учрайди. Қўқон атрофи, Пунган ҳамда Қайроққум сув омбори ораллигидаги Сирдарё яқинида ҳам бир нечта катта қисми жойлашган. Тошкент вилоятида Сирдарёнинг ўнг қирғоғи, Чирчиқ ҳамда Ангрэн дарёлари қуйи оқимида ин курган.



Бугун лайлақларни кўриқлашга бўлган эътибор бутун дунёда кучаймоқда, уларни кўпайтириш учун махсус боғлар ташкил этилаётди. Бу ноёб қушларни кўриқлаш, сонини кўпайтириш, турли хатарлар, жумладан, одамзод томонидан келтириладиган хавфдан сақлаш ишлари бўйича бутунжаҳон "Фламинго" клуби тузилган. Унинг асосий мақ-

сади бутун дунёдаги, жумладан, Марказий Осиёдаги қушларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Лайлақларга бўлган меҳр ва қизиқиш бизни Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Чортоқ маҳалласига бошлаб борди. Маҳалланинг номи шундайку, лекин бу маскан халқ тилида "Лайлақ маҳалла" деб аталаркан. Бу ерга биринчи келганимда ҳужжатдаги номини айтиб, йўловчи улов эгаларининг бошини роса қотирганман. Ҳай-довчиларнинг баъзиси "балки янглишаётгандирсиз, ундай жойнинг ўзи йўқ", деса, айримлари "ҳеч эшитмаган ёки бормаган эканман", дерди. Ёши кексароқ кишига учраб зўрга топиб борганман. Маҳаллага киргач, ҳайратдан донг қотдим. Деярли ҳар бир уйнинг томи, кўчалардаги симёғочлар, дарахтлар, хуллас, бутун бошли маҳалла лайлақларнинг ин қуриб яшайдиган масканига айланган. Эртақлардаги манзарага ўхшайди гўё.

Бугун Интернет сайтларига жойланган ёки телевидение орқали намойиш қилинаётган айрим кимсаларнинг ҳайвонот дунёсига бўлган ваҳшиёна муносабати иймони бут ҳар бир кишининг қалбини жунбушга келтиради. Жонажон Ўзбекистонимизнинг бу мўъжаз ҳудудидаги қушларга бўлган муносабат халқимизнинг нафақат инсонларга, балки ҳайвонот дунёсига, хусусан, қушларга нисбатан кўрсатаётган меҳрибончилигининг энг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

"Чортоқ" маҳалла фуқаролар йиғини одамлари ана шундай соф ва самимий туйғулар билан яшайди. Бу ерни очиб ва табиий



шаклдаги ҳайвонот боғи дейиш мумкин. Маҳалланинг марказий кўчаси бўйлаб қатор турган симёғочлар чўққисидаги лайлақлар рақси кўнглингизга ҳузур бахш этади.

— Маҳалламизда 3 минг 775 нафар фуқаро, ўрта ҳисобда 200дан зиёд лайлақ истиқомат қилади. Улар ўзлари учун ҳатто одамлар уйларининг томларини ҳам макон қилишган, — дейди "Чортоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Лола Шоназарова. — Лайлақлар маҳалламизга яқин бўлган Чирчиқ дарёсидан озикланади. Улар оила аъзоларимиздек бўлиб қолган.

Биз борганда лайлақлар полапонларини учуриш арафасида экан. Ҳар бир уяда баҳорда тухумдан чиққан 2-4 лайлақ боласини учратиш мумкин. Маҳалла аҳли қишнинг илиқ-совуқ келишини лайлақларга қараб аниқлашади. Агар улар кунлар совий бошлаганда кетмаса, демек, киш қаттиқ келмайди.

— Келин бўлиб тушган пайтим, бундан салкам олти йиллар муқаддам, маҳалламизга биттагина лайлақ келиб ин қурган эди, — дея ҳикоя қилади 78 ёшли қаршилаган Гулзайна она. — Ушандан бери йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Эсимда, бир йили маҳалладаги пахта майдонларини текшириш учун комиссия келган эди. Соат тушки бир-иккилар чамаси. Бечора раис ҳар қанча

ундамасин, аёллар жазирамада пахта чопиги учун далага чиқмайди. Шунда тўсатдан комиссия аъзолари пахта даласини кўрмоқчи бўлиб, раисдан йўл бошлашни сўраб қолади. Раис ва текширувчилар далага етиб борганида, майдоннинг нариги бошидаги дарахт соясида бир гала лайлақлар йиғилиб турган экан. Лайлақларни кўриб, чехраси очилган раис: "Ху-ув ана, ишчиларимиз сояда дам олишяпти, аммо далада иш қизгин", дейди. Жазирамада кўзлари қисилиб кетган текширувчилар оппоқ рўмон ўраган аёллардек бўлиб кўринган лайлақларни фарқлай олмай "далада иш қизгин, демек, ҳаммаси яхши", деб кетган экан.

Бу воқеани завқ билан сўзлаб берган онахон лайлақларни аёлларга ўхшатади. Ҳа, эзгулик тимсоли бўлган бу қушлар юртга тинчлик тилаётгандек мовий осмон узра кенг қанот ёзади. Парвоз завқини эса қўлини пешонасига тираб соябон қилган одам ҳам яхши англайди. Беихтиёр маҳалла одамларига ҳавасимиз ортади. Шундай табииати гўзал масканда тинчлик рамзи бўлган лайлақлар билан бирга яшашнинг ўзи ҳам бахт.

Агар эътибор берилса, жами инсониятнинг яшаётган замини, юдузу ойи, қуёши ва осмони битта. Ҳеч бир инсон ёки миллат буларнинг барчасига даъвогарлик қилолмайди. Не ажабки, бир замин устида ва бир осмон остида халқлар турфа ҳолатда яшайди. Бир заминнинг қайсидир бурчагида тўй-томоша авжига чиққан бўлса, бошқа томонида қон тўкилмоқда. Лайлақлар тинчлик ва хотиржамликни ҳуш кўради, муссаффо осмонда эркин парвоз эттиси келади...

Юртим осмонида парвоз этаётган эй, эзгулик элчиси! Парвозинг бардавон бўлсин, қанотинг сира ҳам қайрилмасин. Шундай муқаддас маскани макон қилганинг учун ҳам ташаккур. Чўчимасдан бемалол бир оёғингда туравер. Чунки бу юртнинг осмони муссаффо, одамларининг кўнгли тоза. Мана шу икки нарса соф ва самимий бўлса, билгинки, сен билан ҳамроҳлигимиз абадий бўлажак.

Исломжон КҶҶҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

РЕКЛАМА ЎРНИДА

AGROBANK

Fitch Ratings

халқаро рейтинг агентлиги 2017 йил 11 июлда

"Агробанк"

акциядорлик тижорат банкининг халқаро рейтингини

"Барқарор"

деб баҳолади

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ASAKA BANK

2017 йил 11 июлда

Fitch Ratings

халқаро рейтинг агентлиги

"Асака"

акциядорлик тижорат банкининг халқаро кредит рейтингини ва истиқболини

"БАРҚАРОР"

деб тасдиқлади

Хизматлар лицензияланган